

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 26 сентябрь, сешанба. №118 (21.881). Сотувда эркин нархда.

ПАХТАМИЗ 2 МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШДИ!

АСАКА ТУМАНИ МЕХНАТКАШЛАРИГА

Азиз дустлар!

Сизларни мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарганингиз билан чин қалбдан муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Асака аҳли берган сўзига содиқ эканини узининг мардонавор ва ҳалол меҳнати билан яна бир марта исботлади — Ўзбекистон хирмониغا 15,5 минг тонна сифатли пахта ҳосили етказиб берди.

Ҳар қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб мўл ҳосил етиштирган деҳқонларга, йигим-теримда гайрат ва ҳиммат курсатган ҳар бир кексаю ёшша самимий миннатдорлик билдираман.

Қайси соҳада бўлмасин, ҳар бир қўлга киритилган галаба Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга, юртимизнинг келажак равнақига хизмат қилади. Асакалик меҳнаткашлар буни яхши англайдилар, халқ ҳужалигининг бошқа соҳаларида ҳам биринчилар сафида буладилар, деб ишонаман.

Сизларни яна бир бор меҳнат зафари билан табриқлайман. Хирмонингиз эзгу ниятларингиз каби юксалаверсин.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайман. Хонадонларингиздан файзу барака ари-масин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ КАРИМОВ.



Ўзбекистон тумани пахтакорлари Фаргона водийсида биринчи бўлиб пахта теримини бошлаб юборишганди. Жами 7180 гектар майдондаги ҳосил бу йил ҳар қачонгидан эрта пилиб етди. Тумандаги «Ғанибод», «Ширкатлар уюшмаси», «Содиқжон Азимов», «Ғафур Фулом», «Пахтакорлар», «Ўқчи» сингари жамоа ҳужалиқларида терим суьрати кун сайин аж олдирилмоқда. Жорий йилда туман пахтакорлари республика хирмонига 21,5 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тортиқ қилишни мўлжаллашганди.

Тумандаги «Ўзбекистон» пахта тозалаш заводига кунига юзлаб тонна пахта топширилмоқда.

Шунингдек, вилоятдаги Боғдол, Учқўпирк, Бешарик, Тош-лок туманларида ҳам пахта йигим-терими авжида.

Бу йил вилоятда жами 325 минг тонналик пахта хирмони бунёд этилди.

Суратда: «Ғанибод» ширкатлар уюшмасининг илгор теримчиси Малоҳат Самадовани кўриб турибсиз. У кунига 140-150 килограммдан ошириб пахта термоқда.

Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.

УРУГЛИК ЖАМГАРИБ ҚЎЙЛАДИ

ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Шаҳрисабз туманида ғалла мўл бўлди. Узум-сабзавот ҳосили ҳам чакки эмас. Пахтакорлар эса 2350 тонна уруғлик пахтани жамга-риб, режани бажаришди. Бу ютуққа У. Ибро-ҳимов, Ғ. Бобоёров номили жамоа ҳужалик-лари муносиб ҳисса қўшдилар. А. Темур номили жамоа ҳужалиги-да эса 643 тонна уруғлик пахта тайёр-ланди. Шу кунларда туманда кузги ғалла экишга тайёргарлик қўриляпти. Уруғлик дон ҳам туманининг узида етиштирилган.

Юнус УЗОҚОВ.

ЎН САККИЗ ИШ КУНИДА

БУХОРО (мухбири-миздан). Вилоят пахтакорлари 350 минг тонналик пахта хирмо-нини уюшга ҳаракат қилмоқдалар. Гиждвон туманида икки ҳужалик пахта тайёрлаш режа-сини бажарди. Марра-ни эгаллаш учун ўн саккиз иш кунни қиёфа қилди. «Ўзбекистон» жамоа ҳужалигида 2 минг тонна, С. Айний номили жамоа ҳужалиги-да эса 3 минг тонналик хирмон кўтарилди. Бу ҳужалиқларда ҳосил-дорлик 37 ва 44,7 центнерни ташкил этди.

Даврон БАҲРОНОВ.

«ИКРОМ ОТА»НИНГ САҲОВАТИ

Ғаллазор туманидаги «Ғалла-рол» агрофирмасига қарашли «Ик-ром ота» деҳқон (фермер) ҳужалиги жамоаси жорий йилда белгиланган режани ортиқ билан утдилади.

Мавжуд 25 гектар майдондаги кузги буғдойзордан 15 центнердан 5 гектарлик арпа майдонидан эса 13 центнердан ҳосил кўтарилди. Деҳқон (фермер) ҳужалиги раиси Элмурод Ташанов бу илгиз ҳосилдан кам таъминланган оилага 10 тонна бу-дойни бепул тарқатди.

Айни пайтда фермер ҳужалиги жа-моаси 60 гектар ерга кузги бошоқли дон экишга ҳозирлик қурмоқда.

Ботир ОРИПОВ.

ҒАЛЛА ҲАМ, ПАХТА ҲАМ МЎЛ БЎЛСИН

Ўзбекистон Қишлоқ ҳужалиги вазириликда кузги ғалла экишни жадаллаштириш ҳамда пахта йигим-теримини му-ваффақиятли яқунлашга бағишланган сим орқали кенгаш бўлди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-нинг биринчи уринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Республика ҳукумати, хусусан Президентимиз Ислоҳ Каримов қишлоқ ҳужалигининг устивор тармоқларини жа-дал ривожлантириш ҳақида тинмай гамҳурлик қилмоқда. Ғалла мустақиллигига эришиш ҳозирги вақтдаги энг долза-рб вазирадир, деди И. Жўрабеков. Кейинги вақтда об-ҳавонинг айнигани қишлоқ ҳужали ишларини, айниқса, кузги дон экишни янада жадаллаштириш чора-тадбирла-рини қўриш ва уни зудлик билан амалга оширишни тақозо этмоқда.

Республикамиз ғаллакорлари бу йил мисли қўрилмаган ҳосил — 2 миллион 700 минг тоннадан зийд ғалла етиштир-ди. Андижон, Фаргона, Наманган вилоятларининг мириш-корлари ғалладан мўл ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботлади. Водийда дон ҳосилдорлиги жорий йилда урта-ча 35-40 центнерни ташкил этди. Бир қанча туманлардаги ижара ҳужалиқлари гектардан 60-70 центнерга етказиб дон олди. Бу эса мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш учун имкониятлар етарли эканидан далолат бер-моқда.

Бироқ, шунга қарамай белгиланган миқдорда дон етиш-тириш ва сотиш топшириги тула бажарилмади. Бунинг сабаби нимада? Аввало кузги дон экишда шошма-шошар-ликка йўл қўйилди. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, На-воий ҳамда Самарқанд вилоятларида қондицияга етмаган дон дориланмаган ҳолда текисланмаган ва уғит солинма-ган майдонларга кечиқиб экилди. Ерга нормадаги уруғ тушмади. Айрим вилоят раҳбарлари ва мутахассисларининг бепарволиги ва масъулиятни ҳис этмаслиги оқибатда кузги дон экиш технологияси бузилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм ви-лоятларида сугориладиган ерларга бошоқли дон экиш топшириги бажарилмади. Ғалла майдонлари ва улардан олиннадиган дон миқдорининг аниқ ҳисоб-китоби йўқлиги бу борадаги жиддий камчиликлардан бири бўлди. Қора-қалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ҳосилдорлик анча пасайди.

Ғаллачиликдаги муваффақиятларни ҳақли равишда қайд этган ҳолда, эътиборни бу борада фойдаланилмаётган имкониятларга қаратишимиз лозим. Республиканинг кўп-гина туманларида атиги 15-20 центнердан ҳосил олинди. Айрим вилоятларда гектардан 40-50 центнерлик маррага эришилмаётган бир вақтда Бухорода 17,8, Қорақалпоғис-тонда 17, Қашқадарё ва Сурхондарёда 23-25 центнердан ҳосил олинди, ҳолос. Гиждвон туманининг «Янгийўл», Нишон туманининг «Ойдин» ҳужалиқлари сугориладиган ердан 7-8 центнер, Ховос, Бойсун, Нурота, Шеробод, Гўзор туманлари лалмикор ерлардан бор-йўғи 3-4 цент-нердан дон олишганини қандай изохлаш мумкин?

Республикамизда кузги ғалла экиш мавсуми бошланди, деб давом этди И. Жўрабеков. Аммо, айрим вилоят раҳбар-лари утган йилги камчиликлардан тегисли хулоса чиқариб олмаганга ўхшайди. Зотан, Қорақалпоғистон Республика-си, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг бир қанча ҳужалиқларида дон экиладиган майдонларнинг эн-дигина 30-50 фоизи шудгорланган. Бунинг устига айрим жойларда хатто дон экилиши лозим бўлган ерлар аниқ белгилан олिनмаган. Зарбдор, Навбахор, Мирзаобод, Ар-насой, Навоий, Зафаробод, Дустлик, Термиз, Пастдаргом, Иштихон, Пахтаобод, Узун, Вобkent туманларида дон эки-диган агрегатларнинг ярми ханузгача таъмирдан чиқарил-маган. Кўпчилик туманларда минерал уғит жамғариш, уруғ-ликни дориллаш учун етарли витеалар ҳозирлашга эъти-бор берилмапти.

Яхши биламизки, мўл ҳосил сара уруғликка боғлиқ. Аммо, кўпгина ҳужалиқларнинг раҳбарлари бунга нима учундир етарли эътибор бермапти. Экиладиган уруғлик-нинг тоза бўлиши айниқса муҳимдир. Ваҳолонки, Жиззах вилоятида 35 минг тонна уруғлигининг 43 фоизи тозаланган ҳолос. «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси томонидан Анди-жон, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларига юборилган уруғ-лик қондицияга етказилмаган.

Шуни ҳам айтиш керакки, илмий-текиштириш институти-лари мўл ҳосил берадиган, турли касалликларга бардошли янги навларни яратишда жонбозлик қилмаптир. Деҳқон-ларга ҳосилни зараркунанда хашорат ва касалликлардан ҳимоя қиладиган самарали препаратлар, ғаллани сифатли уриб-ячиб берадиган замонавий машина-ускуналар айниқ-са зарурдир.

Кенгашда республика қишлоқ ҳужалиги вазири Р. Ҳусанов ва бир қанча вилоятларнинг ҳокимлари кузги ғалла экишининг аҳоли хамда пахта йигим-теримини муваффа-қиятли яқунлаш борасида қандай ишлар амалга ошира-лаётгани ҳақида ахборот берди.

Республикамизда келаси йили 5 миллион тонна ғалла етиштирилиши керак, деди пироварида И. Жўрабеков. Бугунги кундаги энг муҳим вазифа кузги дон экишда вақтни бой бермасликдир. Бу ишни амалга оширишда лоқайдлик ва узибларчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Вилоят ва туман ҳокимлари утган йилги хато ва камчиликлардан сабоқ чиқариб, мазукур ишга мутасадди раҳбарларнинг фаолияти-га тўғри баҳо бериши, лозим бўлган тақдирда ҳар томон-лама кўмаклашиши зарур. Ферм суз билан айтганда, ҳар бир раҳбар кузги дон экишининг муваффақиятли утказилиши учун шахсан жавобгардир. Ишни шундай ташкил этиш керакки, ғалла экиш мавсумини сугориладиган ерларда 15 октябргача, лалми ерларда эса 1 декабргача тугаллашга эришиш даркор.

Кузги ғалла экишни жадаллаштириш, пахта йигим-тери-мининг муваффақиятли яқунлаш далада ишлабтўнлар учун етарли маданий-маиший шароит яратиб берилишига ҳам боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосарлари Қ. Ҳаққулов, М. Усмонов, У. Исмоилов, Ю. Пайгин, К. Раҳимов қатнашди.

П. НИШОНОВ, ЎЗА мухбири.

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

Андижон вилоятининг Асака тумани деҳқонла-ри мисли қўрилмаган қисқа муддатларда мам-лакатда биринчи бўлиб 1995 йилги пахта тайёр-лаш режасини бажарди-лар. Давлат омборлари-га 15500 тонна «оқ ол-тин» топширилди. Хо-силдорлик гектаридан салкам 30 центнерданга етди.

Асакалик миришкор-ларнинг эришган зафа-ри мамлакатимиз иқти-содий мустақиллигини

мустаҳкамлаш мақсадидаги муваффақият, юртбошимиз И.Каримовнинг пахтакорлар меҳнатини қадрлаб курс-таётган гамҳурлигига ама-лий жавобдир.

Карвонбоши туман пахта-корларининг бой тажриба-лари далаларда мўл ҳосил яратиш омили бўлди. «Нав-бахор», «Наврўз», «Ўзбеки-стон», «Ўзбекистон мустақил-лиги», «Ғалаба», «Янги ҳаёт» жамоа ҳужалиқларининг деҳ-қонлари йиллик режа марра-сини 120-150 фоизга етказ-иш учун ҳаракат қиялпти-

лар.

— Деҳқонлару мутахас-сисларнинг меҳнатлари би-лан баракали ҳосил яратил-ди, — дейди туман ҳокими Т.Еқубов. — Даладаги бор пахтани териб олиш халқи-мизнинг хоҳиш иродасига айланди.

Ғолиб туманда йигим-те-рим мароми кўтаринкилик билан давом этмоқда. «Оқ олтин» хирмонлари юксал-моқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СУВОРИЙЛАР ЕНГ ШИМАРГАНДА

Пахтачи туманидаги Х. Назаров номили деҳқон ҳужалиқлари уюшмаси механизатори Қудрат ака Тоштемуров вилоятда биринчилар қатори ўз агрегатини дала-га олиб чиқиб, дастлабки кун 7 тонна пахта териб олган эди.

Умуман, ҳужалиқда ҳосилнинг 70 фои-зи, туманда эса 60 фоизини терим агре-гатлари билан сарамжонлаб олиш режа-лаштирилган.

— Ҳар бир машинанинг унумдорлиги мав-сум давомида 150 тоннадан кам бўлмайди, — дейди ҳужалик раиси Ш. Шукуров. — Механи-заторларни нону туз, кийим-кечак билан таъминлаб турибсиз. Меҳнат ҳақи ўз вақти-да берилмоқда. 10-15 кун ичида йиллик режа-ни бажариш ниятидамыз.

Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ШАШТИ БАЛАНД ПАХТАКОРЛАР

Сўзи билан иши бир Шаҳрихон ту-мани деҳқонлари пахта йигим-те-римда гайрат-шижоат билан ҳар кун

йиллик режанинг 4-5 фоиздан ошириб пахта топширишмоқда. Мавсум илгор-лари кўпаймоқда.

БЎСТОНЛИКЛАР БИРИНЧИ

«Бўстон» жамоа ҳужалиги пахтакорла-ри ҳар кун йиллик режанинг 5-6 фоизи миқдорда пахта топшириб, ҳужалиқлар ичида карвонбошлик қиялпти. Исроил-жон Иброҳимов, Орифжон Мирзаев, Мир-

одил Давронов сингари пешқадам бригада-ларда пахтани сифатли, тез ва нобудгарчи-ликсиз йиғиштириш барчанинг дил амрига айланди.

БИР КУНЛИК ИШ ҲАҚИ 816 СЎМ

Абдуғани ака ва Қизлархон опа Солиев-лар оиласининг олти нафар аъзоси пахта теримида қатнашяпти. Улар Шаҳрихон туманидаги Амир Темур номили жамоа ҳужалигининг Шерали Абдуҳақимов бош-чилик қилаётган бригада хирмонига ку-нига 650-680 килограмдан пахта териб

топширяптилар. Йигим-теримда илгор бул-ган оила аъзоларининг бир кунлик меҳнатла-ри иш ҳақи 816 сўмга тўғри келди.

Жамоа ҳужалигининг кассири оилавий те-римчиларга даланинг узида беш кунлик меҳ-натига мўмай пул топширяпти.

С. АҲМАДИЛЛОВЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг шу йил 29 июль сонидидаги «Раис нега хафа?» сарлавҳали мақолада Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида экинларни жойлаштириш соҳа-сида маъмурий-буйруқбозлик кўринишлари мавжуд-лиги ва бу иллат оқибатида туман ҳужалиқларида, хусусан «Россия» жамоа ҳўжалигида дон ҳосилдор-лиги кескин пасайиб кетганлиги танқид қилинган эди.

Мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси қиш-лоқ ҳўжалик вазирининг биринчи ўринбосари Ж. Кўч-қоров имзоси билан жавоб хати олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБ-ЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ҲЎЖА-ЛИК ВАЗИРЛИГИ:

Рузноманинг 1995 йил 29 июлдаги саҳифасида чоп этил-ган «Раис нега хафа?» сарлавҳа-

ли мақола билан Қишлоқ ҳўжа-ли вазириликнинг мутахассис-лари танишиб чиқиб, қуйидаги-ларни хабар қилади:

Мақолада кўтарилган мавзу ниҳоятда долзарб бўлиб, ҳақи-қатдан ҳам Хоразм вилояти Ян-гибозор туманидаги «Россия» жамоа ҳўжалигида бошоқли дон экинларидан паст ҳосил олин-ган.

Бу масала Хоразм вилояти деҳқончилик уюшмасида мута-хассислар иштирокида муҳока-ма қилиниб, ҳўжалиқда ғалла

етиштириш технологиясига ту-лик риоа қилинмаганлиги оқи-батади содир бўлганлиги аниқ-ланди.

1995 йил ҳосили учун қиш-лоқ ҳўжалик экинларини жойлаштириш бўйича Вазирлар Мақамасининг 1994 йил 12 де-кабрдаги 597-сонли қарориди республика ҳўжалиқларида жа-ми 1200 минг гектар сугорила-диган майдонга бошоқли дон экинлари экиш ва урточа ҳар гектардан 35-40 центнер ҳосил олишга эришиш кераклиги бел-

гилаб берилган.

Ҳукуматнинг ғалла муста-қиллигига эришиш сивсати-ни амалга ошириш мақсади-да, Қорақалпоғистон Респу-бликаси қишлоқ ҳўжалик вази-рига, барча вилоят деҳқончи-лик саноти уюшмаларининг раисларига бошоқли дон экинларини тўпроқ унумдор-лиги юқори бўлган майдон-ларга жойлаштириш, зарур аг-ротехник тадбирларни тулиқ утказишни ва уни парвариш қилишни қаттиқ назорат ос-тига олишлари ҳақида кур-сатма берилди.

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ!

Шу йилнинг 30 сентябрь куни республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш бошқармаси Тошкент вилоят ҳокимлиги билан биргаликда **КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ.**

Савдога қуйидагилар қўйилади :
автомобил ёнилғи қўйиш шохобчаси ер майдони билан ва қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк иншоотлари.

АВТОМОБИЛ ЁНИЛҒИ ҚЎЙИШ ШОХОБЧАСИ ЕР МАЙДОНИ БИЛАН:

1.АЁҚШ №117, Бекобод тумани "Авангард" ж/х	Бошланғич нархи 3800000 сўм.
2.АЁҚШ №31, Красногорск қўрғони	1500000 сўм.
3.АЁҚШ №43, Оққўрғон тумани Сегабобов номли ж/х	1500000 сўм.
4.АЁҚШ №65, Бўка тумани "Кремль" ж/х	1600000 сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН:

1.Тошкент шаҳридаги Дорихона бошқарма базаси биноси ИНШООТЛАР:	6648350 сўм.
1.АСТО №9 Қуйи-Чирчиқ тумани Отажонов номли ж/х	500000 сўм.
2.ВЭПТК "ЧИМҒАН" 1,2 биноси	13100000 сўм.

АРИЗАЛАР ҚЎЙИДАГИ МАНЗИЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси —51, 2-қават, 78-хона.

Тошкент вилоят ҳокимлиги биносида.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

/Код 3712/ 36-06-56, 33-67-22, 33-24-28

КИМ ОШДИ САВДОСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА 30 СЕНТЯБРЬ КУНИ, СОАТ 11⁰⁰ ДА БОШЛАНАДИ.

TERRACOTTEM®

ОЗДОРОВИТЕЛЬ ЗЕМЛИ


ЭКОНОМИТ ДО



ВОДЫ + ВРЕМЕНИ + ДЕНЕГ.

TERRACOTTEM® = повышает урожай до 400 %

Терра Коттем - это смесь водопоглощающих полимеров, минеральных и органических удобрений и стимуляторов роста, применяется при посадке новых растений или для ухода за уже существующими путем простого смешивания с землей. Терра Коттем заботится об окружающей среде, так как является абсолютно экологическим продуктом. Терра Коттем заботится о вас: так как снижает потребление воды и частоту полива, а также потребность в удобрениях. Терра Коттем экономит средства: так как повышает выживаемость растений. Терра Коттем абсолютно безопасен и не токсичен. Однократное применение Терра Коттем достаточно на 10 лет.



БЕЗ TERRACOTTEM С TERRACOTTEM

TERRACOTTEM PLUS LTD. Представительство в Москве: 121 069 Скатертный пер. 27. тел. 203 59 89, телефакс 203 74 78

Савол: Дам одиш масканларига оила аъзоларингиз билан борсангиз, баъзан уягли сузлар билан сукунаётган ёки нотаниш кизларга шикмлик қилаетган ёшларни учратасиз. Ундайларга қовулда жазо борми?
Х. ҲАЙИОВА, Тошкент вилояти.

Жавоб: Жамоат жойларида уягли сузлар билан сукуниш, фуқароларга ҳақоратомуз шикмлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва кишиларнинг оқолини бузувчи хатти-ҳаракатлар майда безориликдир. Булар жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик деб топилади ва энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатда маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Шунингдек, Жамоат кодексининг 227-моддасида безорилик, яъни жамоат жойларида жамоат тартиби қоидаларига қасдан ҳурматсизлик билдириш,

ХАҚ-ХУҚУҚНИНГ ИВНИ БИЛАСИЗМИ?

уриш-душрошлар, баданга снгилик шикаст етказиш ёки узганинг мулкига шикаст етказиш еҳуд нобуд қилиш жиддий зарар етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар учун ҳам жиноий жазо белгиланган.

Савол: Қонунга хилоф ҳаракатларнинг айримларига жиноий, айримларига эса маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бизга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуни ҳужжатлари ва унинг вазифалари ҳамда тамойиллари таниш эмас.

А. ҚОБИЛОВ, сурхондарёлик талбиркор.
Жавоб: Ҳар қандай қонунга зид хатти-ҳаракатлар учун Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексда жазолар белгиланган. Сиз сураётган саволга аниқ жавоб «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 1, 2 ва 3-моддаларида акс этган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини, мулкнинг, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликларни тўғрисидаги ишларнинг уз вақтида ва ҳолисона куриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялашни вазифа қилиб қўяди.

Савол: Бир шаҳардан иккинчисига борсангиз шох бекатларда асосан «такси» эмас, балки маълум идораларга тегишли автомашина ҳайдовчилари «халис хизмат»га тайёр туришади. Бундайларга қонунда жазо белгиланганми?
Х. ХОЛИМАТОВ, Сирдарё вилояти.

Жавоб: «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 141-моддасида шу йўсундаги ҳаракатлар учун жавобгарлик ериштирилган. Унга қура ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланганликлари учун энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш жазоси қўраб кўрсатилган.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлими прокурори, ҳуқуқшунос М. ТОШТЕМИРОВ жавоб берди.

1995 йил 25-30 сентябрь кунлари

ITF UZBEKISTAN '95

International Trade Fair



Халқаро савдо кўргазмасида 11 давлатдан келган 130 фирмани тавсия қилади

Кўргазмада халқ хўжалигига тааллуқли кенг спектрдаги замонавий маҳсулот ва технологиялар намойиш этилади.

Ҳар куни соат 10дан 18гача
1995 йил 25-30 сентябрь кунлари
"Ёшлик" спорткомплексида
(Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 98 "а" уй),
Сизларни лутфан кутамиз.

WTCC Жаҳон савдо маркази - Кёльн, ГФР
INTARCOR - MED - Кёльн, ГФР
"ПАХТАКОР" республика бирлашмаси,
Тошкент, Ўзбекистон Республикаси

Беруний ер заводи утган йилнинг июнь ойидан «Еггар» ҳиссдорлик жамиятига айлантирилгач ишлаб чиқаришга, меҳнат интизомига муносабат тубдан узгарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, сифати тобора яхшиланмоқда. Ортиқча чиқимларга чек қўйилди. Иш ҳақи ҳам ошди. Ишчилар ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмоқда.
— Заводимиз иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ИШЧИЛАР МАМНУН

оилаларини оталиққа олган, — дейди ҳиссдорлик жамияти раиси, Ўзбекистон ХДП аъзоси Сапарбой Салаев. — Ишчиларга ойлик иш ҳақлари, мукофот пулларини уз вақтида бериб бормоқдамиз. Соф фойда ҳисобидан ишчи ва инженер-техник ходимлар учун 40 қаватли турар жой биноси қу-

риямиз. У қузма бориб фойдаланишга топширилади. Хуллас, самарали ишлаш учун барча имкониятлар яратилган. Ҳар бир цехда ювиниш, кийиниш хоналари бор. Корхонада ишчилар учун арзон нархда ошхона, уларнинг фарзандлари учун эса 140 уринли болалар боғчаси ишлаб

турибди. Боғча сабабот, сут, қатиқ билан имтиёзли равишда таъминланмоқда. Иссиқ нон епадиган цех бор. Эрта-индин қанлолат пети ҳам ишта туширилади.

Рейнбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ШИНОХОНАЛАР - ХУСУСИЙ ДОРХОНАЛАР ВА БАРЧА АХОЛИ ВА ДИҚҚАТГА!

"АБУ АПИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ"
Фирмаси СИЗЛАРГА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДІГАН 300 ДАН Ортиқ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

АГАР СИЗГА ОШҚОЗОН-ИЧАК, ТЕРИ-ТАНОСИЛ, ЮРАК, ҚОН-ТОМИР, ЖИГАР, БУЙРАК, АСТМА ВА АСАБ ХАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛ КЕЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЗАРУР БЎЛСА ФИРМАМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!
ФИРМАМИЗГА ДУНЕНИНГ БАРЧА ҚИТАЛАРИДАН ТУРЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА.

Сиз фирмамиздан "Гермед" (Германия), "Стерлинг Хелс" (Буюк Британия), "КРКА" (Словения), "Берингер Ингельхайм" (Австрия), "ЦНЭХ Польша" (Польша), "Эссекс Кеми ЛТ" - "Шеринг Плау" (АҚШ), "W Robertson Co LTD" (АҚШ), "Тедон Рихтер" (Венгрия), Россия, Украина каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни, шунингдек, ошқозон-ичак яраларига шифо ато этувчи "Зантак"ни, қаттиқ оғриқни қолдирувчи "Сольфадеин"ни харид қилишингиз мумкин.

ШОПИНГНИНГ, СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР, МАЛҲАМЛАР ФИРМАДА ИСТАГАНЧА ТОПИЛАДИ. УЛАР ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ.

Фирма манзили:
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-4 уй (метрополининг "Гафур Гулом" бекати).

Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини қафолатлайди. Савдо-сотик пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Телефонлар:
44-24-34,
40-44-83,
40-48-06.
Факс:
40-48-53.

ТАШКЕНТ

МАЙДА ВА УЛГУРЖИСИГА ҚЎЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

шарикли ручкалар, фломастерлар, стерженлар, скоршивателлар (ҳужжатлар йиғиб қўйиладиган папкалар), канцелярия елими, паронит (прокладка материал), фриクション нақладкалари, тормоз колодкалари, асбестли тахтачалар, арзон ва кукунлар.

Паррандалар ва ҳайвонларни семиртирувчи "Примикс" қўшимча озиклаштирувчисини етказиб бериш юзасидан шартномаларни тузади.

Ҳақ тўлаш—исталган шаклда.

Телефон: (3712) 33-41-47.

ТАШКИПОТ

майда ва улгуржисига қўйидагиларни СОТАДИ

- макарон маҳсулотлари тайёрлайдиган машиналар,
- кичик тегирмонлар,
- ГАЗ 31029 (янги),
- "ГАЗЕЛЬ",
- КамАЗ 5320,
- "Вольво" 940, 850,
- Аёлларнинг қишки колготкалари,
- Чақалоқлар учун комплектлар

Ҳақ тўлаш—исталган шаклда
Телефонлар: (3712) 34-00-98,
35-32-81, 35-22-66.

Дил изҳори

ҲОСИЛОТДАН ЧИҚҚАН ТИЛШУНОС

Отақузи Азизовнинг қандайдан билмаганлар у кишининг 85 ёшига кирганлигига сира ишонмайди. Чунки Отақузи ака бугун ҳам ёш йилларидек бадрам. Домламини ўз нуктаи назарини ҳар қандай шароитда, ҳаётнинг қандайдан бўлишидан кўнгли назар, узига шартта-шартта айтади. Ва ўз сузларида кўпгина ҳақ бўлиб чиқадилар ҳам.

Ажабланирми, 85 ёшда ҳам Отақузи аканинг фикрлашлари тинч, хотиралари жуда яхши. Кўпчилик ёшлар ҳавас қиларли. Ишлаш қобилиятини ҳам жуда яхши сақлаган. Азизов домланининг ўшига етмиши, у кишидек соғлом, бардам бўлишни оرزۇ қилганларнинг сон-саногий йук. Отақузи ака институт дипломига кура — ҳосилот. Лекин асосий меҳнат фаолиятига кура — педагог. Ҳали йилгитлик пайтида Москвада ўқигани, уша ерда рус тилида яшаб, тилини яхшигина ўргангани кейинчалик жуда кўл келди: рус тили ўқитувчиси сифатида ишлаб бослайдилар. Кейинроқ эса тил билгани туфайли шу тил бўйича аспирантурага қабул қилинди. Отақузи аканинг айтишича, у вақтда аспирантурага кириш учун рус тилини билишининг ўзи етарли бўлган. Таникли рус тилшуноси А. В. Миртов раҳбарлигида 1943 йили «Рус тилидаги ҳозирги замон феъли ва унинг узбек тилидаги муқобили» мавзуда номзодлик диссертациясини ёзган.

Унга машҳур олимлардан В. М. Жирмунский ва А. К. Боровковлар олонентлик қилган. Шу-шу Отақузи Азизов илмий фаолиятининг асосий йўналиши рус ва узбек тиллари грамматикасини

чоғиштириб ўрганиш бўлиб қолди. Кўп йиллик меҳнатнинг самараси сифатида Отақузи Азизовнинг «Рус ва узбек тилларининг қиёсий грамматикаси (морфология)» асари босмадан чиқди ва бу китоб докторлик диссертациясининг асосини ташкил этди.

Баъзи иқир-чиқирлари хисобга олмасак, шундан кейинги йиллар Отақузи Азизов учун омадли йиллар бўлди дейиш мумкин. 1968 йили Соёқ ССРС Педагогика фанлари академиясининг муҳбир аъзоси этиб сайланди. Кўп йиллар давомида Иттифоқ ва Ўзбекистон Олий таълим вазирлиқларининг методик кенгашларига аъзо бўлди.

Кўп йиллик ҳалол ва фидокорона меҳнати муносиб тақдирланди. Отақузи Азизов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвонларини олишга сазовор бўлдилар, бир қанча халқаро, иттифоқ ва республика медаллари билан тақдирландилар.

Кенг жамоатчилик Отақузи Азизовни республикада рус тилининг тарғиботчиси сифатида билди. Педагогик фаолиятини 1934 йилда бошлаганларидан бери домламиз 62 йил мобайнида олий ўқув юртинларининг узбек гуруҳларида рус тилидан сабоқ бериб келадилар. Домла олий ўқув юртида узбек гуруҳлари учун узбек тилида биринчилардан бўлиб «Тилшунослик қилириш» ўқув қўлланмасини ёзган.

Отақузи ака она тили — узбек тилининг тарғиботчиси ва тақдирга ҳеч қачон бефарқ қарамаган. Узбек тилининг соғлиғига эришиш, узбек алифбосини мукамаллаштириш, узбек имлосини тақомил-



лаштириш масалаларига бағишланган мақолалари, нутқлари — бу фикримизнинг энг ишончли гувоҳи.

Фаолиятининг яна бир йўналиши — лугат тузиш билан шуғуллинишлари алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. 1954 йилдан бошлаб то ҳозиргача бир неча русча-узбекча ва узбекча-русча лугатлари, атамалар лугатини, имловий ва грамматик лугат-маълумотномани тузган ёки тузишда фаол иштирок этган.

Шунингдек, устозлик фаолияти ҳам салмоқли: у кишининг раҳбарлигида ва кўмаги билан 5 киши фан доктори, 60 киши фан номзоди илмий даражасини олишга сазовор бўлди.

Силаси ҳам ибратли. Келинмиш Надя она билан турмуш қурганларига 60 йил тўлди. Уч уғли ва бир қизни жамяти-мизнинг етук аъзолари этиб тарбияладилар. Рус авли Надя она узбек тилини мукамал билди. Қачон रुपара бўлсангиз, доим узбекча гаплашадилар. Ҳатто унда-мунча узбек авли ишлатмайдилар ибораларни эшитиб, хайратга тушади.

Хуллас, Отақузи Азизов ҳалиям жуда бадрам. Илов, ишлаб-яшаб ҳорманг домла!

Шавкат РАҲМАТУЛЛАЕВ, филология фанлари доктори, профессор.

Табаррук қадамжолар

МАРҚАД ТОШЛАРИДАГИ ЁЗУВЛАР

Қадимий тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, қолаверса, ёзувлар халқимизнинг бой ўтмишидан, маънавий меросидан акс-садо беради. Шу уринда биз қадимий ёзувлар хусусида сўз юритмоқчимиз. Очиги, бу ҳақда маълумотлар жуда кам. Марқад — қабр тошларидаги битиклар ҳақида нима билемиз? Деярли ҳеч нарса. Ахир улар ҳам бизнинг ўтмишимиз белгиси ҳисобланади-ку!

Истиқлол шарофати туфайли халқимизнинг ўтмиши, тарихи, меросини ўрганишга жиддий эътибор берилмаптир. Шу жумладан, қадимий ёзувларни ўрганиш, олий ўқув даргоҳларида бу масалага ўта жиддий ёндашиш шу куннинг талаби бўлиб қолди.

Яқинда Тошкент Давлат дорилфунуни тарих факультети археология кафедраси олим ва талабалари Қашқадарё воҳаси бўйлаб археологик-топографик тадқиқотлар олиб бордилар. Уларнинг асосий мақсади воҳанинг Шахрисабз, Яқабоб, Чирочқи, Қамаша, Қарши, Косон ҳамда Касби туманларидаги қадимги қабростонларда илмий-тадқиқотлар олиб бориш, қабр тошларидаги ёзувларни чуқур таҳлил қилишдан иборат эди.

Марқад (қабр) тошларидаги матнларнинг хусусияти шундан иборатки, мангуликка дахлдор жойда қимматли эитилганлиги, марҳумнинг таваллуди ва оламдан ўтган саналари битилган. Кузатишлардан шу нарса ойдинлашдики, тошлардаги матнларнинг аксарияти араб ёзувидаги «сулс», «насх», «настаълик» ва «куфий» хатида китобат этилган. Битикларнинг ўшбу хат турларида битилиши маълум қийинчиликларни ҳам тузгидан. Чунки бу хатлар бошқа хат турларига нисбатан анча мураккабдир.

Марқад тошлари Мағрибдан — Машриққа, яъни ислом дини одатига кура марҳумнинг боши қилбага — қўёш ботиш томонга қаратилишига қараб қўйилган. Тошга матн битишининг ҳам ўз қонун-қоидаларига қаттиқ риоя қилинган. Марҳумнинг боши томонга унинг исми-шарифи, шажараси, лавозими (ёки касби), тахаллуси, нисбаси (яъни туғилган жойига нисбатан ишора қилувчи номи) қайд этилган. Шунингдек, унинг туғилган ва оламдан ўтган санаси аниқ келтирилган.

Марқад тошининг иккинчи томонига ёки марҳумнинг оёқ қисмидаги матнда эса унга марсия, яъни видолашув хати ҳамда тириклигидаги инсоний фазилатлари баён этилган. Тошининг устки ва ён томонларига муқаддас Куръони каримдан суралар, калималар ҳамда ҳадислардан намуналар битилган. Шунингдек, тошларнинг уст ва ён томонларига қуфий хатида нақш-безак услубида рамзани ифодаловчи «Оллоҳ», «Мухаммад», «Али» номлари туширилган.

Яна бир қизиқарли жиҳати, агар қабр соҳибаси авл киши бўлса тошининг устки қисмидан бешикка ўшаган куббаси-мон шакл чиқарган. Бу белги авл — она, олам бешигини тебратувчи зот сифатида луғланганлигини билдиради. Тоштарот усталар яратган бу марқад тошларининг ўша даврга хос меъморчилик обидалари орасида ажиб бир уйғунлик бор. Усталар бу тошларга юксак дид ва марҳум хотирасига мангу эҳтиром даражасида қараганлар. Зеро, ҳар бир қабр тошида ўз асрининг меъморчилиги, шу давргагина хос бўлган безак ва уймақорлик санъати мужассамлашган.

Афсусланарли томони шундаки, авлод-аждодаларимиз ҳоқи яширилган бундай қабр тошларининг ҳаммаси ҳам рисоладагидек сақланмаган. Тошлар очиқ ҳавода қолиб, матнлар ўчиб кетган. Ҳатто баъзи одамлар беморлар дардига даво топиш мақсадида тошларни қучириб, синдириб олиб кетганлар. Бундай номақбул ҳолатлар уларни чуқурроқ ўрганишга, албатта ўз таъсирини кўрсатади.

Биз бу гал фақат мамлакатимизнинг биргина Қашқадарё вилоятидаги айрим жойларда ўрганган ёзувларимиз ҳақида сўз юритдик. Аксинча, Ўзбекистоннинг ҳали бошқа қулгина шаҳар ва қишлоқларида ҳам бундай нобъ тарихий осори-атикалар бехисобдир.

Марқад тошлари қаърида инсоният тарихи ётибди. Бу тарихни ўрганиш ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Тожи НОРОВ, ТошДУ толиби.

Илк учрашув

ОЙГА СЎЙЛАБ БЕРАЙ ДАРДИМНИ

Дунёда илҳом деган илоҳий туйғунинг борлигига балки кўпчилик ишонмас... Лекин бу ҳақиқат. Мен зоминлик укамиз Бурҳон ШЕРМАТОВнинг машқларини ўқиб шундай фикрга келдим: шеър — ярим бахт, ярим саломатлик дегани. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, сиз вазъатдан пайтингизда энг яхши ва энг соғлом одамга айлиб қоласиз. Янги ёзган шеърингиз кўнглингизга қувиш бўлиб қиради. Вужудингиздаги руҳий ва жисмоний оғриқларнинг кўзини қамаштириб, сиздан тисланишга мажбур этади. Бурҳонжон, илҳом сизга ҳаммиса куч ва далда бағишлаб турсин!

Замира ЭТАМБЕРДИЕВА.



Ҳеч бир зот овута олмайдим мени, Кўнглимга ҳоқимдир ишқ деган қудрат. Айтолмай кетяман сенга севгимни — Сен эса яшайсан қилолмасдан рад.

X X X

Мен осмонга айтдим муҳаббатимни — Бошим узра тўқди ҳасратли кўз ёш. Ойга сўйлаб берсам сўнгиз дардимни — Ёниблар кетди-ку чўғ бўлиб Кўёш.

X X X

Дунё кўнглим каби ёнмоқда ё раб, Топгандай бўламан гоҳида таскин. Илло, менинг каби қисматни қаргаб Севгидан бенасиб қолмасин ҳеч ким.

X X X

Кўзим тўпса изларингдан кетолмай Қўниёлғум дардимни ичмага ютиб. Севаман сўзини сенга айтолмай Яшайман шу сўзни ўзингдан кутиб.

Табиат қисматини яратди аччиқ Чорасизлик мени тортар қомига. Руҳимни безовта қилар бир ҳадик, Мен эса шеър ёзгум Бахтнинг номига.

Майли, азобларни энгиб яшайман. Ёруғ қулар келар, гулдагай боғим. Ўшанда умримни қайта бошлайман — Кўлимада чўғларан ҳаёт чирғоғим.

Бурҳон ШЕРМАТОВ.

КВАНТ — ГЛОБАЛ —

янги имкониятлардаги авиасервис

Тошкентда МДХнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиакомпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш мақсадлари ошчилди.



КВАНТ — ГЛОБАЛ — Домодедово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.

Тел: 33-29-49.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

ОНАСИГА ТИГ УРГАН НОБАКОР

Бу хилдаги — вужудни титратувчи, даҳшатли хабарларни эшитиш қанчалик оғир?! Ҳали кимдир ўз хотинини ўлдирган, кимдир онасини ўрган ва ҳатто... пичоқлаган.

Разолат, қабоҳат, ичкерорлик одамни ҳар қандай қора йўлга бошлайверади.

Оқдарё туманидаги Телпакўр-гон қишлоғида Қудрат Шаймонов тубанлик ботқоқига ботганлардан бири бўлиб чиқди. У маст ҳолда ўз онаси Ашурбий Шаймоновани пичоқлаб, даҳлиздаги шолчага уради ва ўйдан олиб чиқиб кетаётганда қўшинларига доқ келди...

Тергов давмида оилада ўз-ро муносабатларга дарз кетгани маълум бўлди. Қудратнинг хотини Муқаддам Юсупова қайнониси уни доимо камситгани, ҳақорат қилишини қайта-қайта таъкидлайди. Бу гапларни у эрига айтди, онасини ёмонлайди. Жазавасти тугган эр қай устайда уйига отланди ва онасига тиг кутаради.

Қудрат эса ҳаммасига онаси сабабчи эканлигини айтди. Гўё уша кўни қизи Ҳуррият уйига йиғлаб келган. Момом уришди, деган. Жаҳли чиққан ота қизини ҳимоя қиламан деб оқ сўт берган онасини шу куйга солган.

Она эса (дарвоқе, у 69 ёшда) ҳовлида ишлаб юрганмида уғлим ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, келиб мени пичоқлаб кетди дейди.

Ҳўш, қай бирининг гапига ишониб керак? Ҳаммаси ўзини оқлашга уринади. Ашурбийи момонинг яна бир ўғли 12 йилга қамалган. Бошқа бири ўйдан бош олиб чиқиб кетган. Ана шунақа. Бу оила, ундаги муносабатлар ҳақида энди ўзингиз хулоса чиқариб олинг.

X X X

Иштихондаги Сугот қишлоғида яшовчи Мавлон Қўқоров ўзига тегишли «Москвич» машинасида Лойиш қўрғонидан утавтиб кечаси фуқаро Зивед Саъдиновни уриб кетди. Талмовсирган Мавлон ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, уликни машинасига ортади ва Заҳарига олиб бориб ташлайди. Жиноят илҳомий йўқотиш мақсадида марҳумнинг чопонини ўз молхонасига ашириб қўяди. Лекин жиноят барибир очилди.

Тубанлик шундай бир жарликки, ҳар кимни ҳам одамгарчилик чегарасидан чиқаради. Булмас Асроркул Мардиев Янги ҳавт қишлоғида қўшнисини Турғунбой Раҳманованикисига уғриликка қирариди? У молхона эшигини бузиб ўғирланган сигирни Шайхлар бозорига олиб бориб пуллайтиди. Мана, сизга инсоннинг юз тубан кетиши!

Келдиш ПУЛАТОВ, Оқдарё туман прокурори, ддлға қичик маслаҳатчиси. Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Фойдали маслаҳат

УЗУМНИ САҚЛАШ ҲАҚИДА

Бу шундайки, уни ҳаво мусаффо бўлган кўни кун чиққаннан тўрт соат утиб, шабнам тугаб, ер қуриган ва қувиш тоғишга тўрт соат қолган давр ичида узилди.

Узум банди уткир пичоқ билан қирқилди. Сақлашга мулкаланган узум етилиши билан узилди. Вақтдан ўтказиб юборилмайди. Шундан сўнг эзилган, сасиб, чириб кетиш хавфи бўлган доналарини бўзмаслиги учун қичкина қайичча билан олиб ташланади. Уни айвонга шундай осий керакки, бошлар бир-бирига тегиб турмаслиги лозим.

Баъзилар узум бандини қийр билан бўяб қўйишади. Бунда узум қиш ичи бузилмай тураверади.

Агар уни ер устига териб қуймоқчи бўлсалар, аввало бирозгина боқила, ясиғи похолдан ёки аргувон чўпларидан ер юзасига юпка қилиб тўшаб, унинг устига узумни териш лозим.

Баъзилар идиш ичини гаж билан бўйядилар, сўнг ёғоч, тахта қилиги билан тарик унини аралаштирадилар. Бир бош узумни идишга соладилар ва юқоридаги аралашмадан идишга солдилар. Кейин бошқа бошларни ҳам то идиш тўлгунча шу усулда жойлаштирадилар.

Баъзилар узум бошини ҳамир аралаштирилган намақкобга солиб, сўнг мазкур похол устига терадилар.

Баъзилар узумни бугдой сақланадиган хонага осадилар. Бугдой чанги уларга қанчалик кўп ёпишса узум шунча бузилмай туради.

Баъзилар ёмғир сувини ундан бири қамайтгунча қайнатадилар, сўнг уни идишга қўядилар. Сув идишда қуриб қолмай туриб, узум бошларини шу идишга соладилар. Идиш оғзини гаж билан маҳкамлаб беркитадилар. Бу узум тоза туради ва айнимайди. Мазкур сув эса қулгина касаликларга наф етказиши.

Агар узум шароб хуми ичига осилса, киш бўйи бузилмай туради.

Баъзиларнинг айтишича, узумни узич билан оқ сопол идишга солиб, оғзини гаж билан маҳкамлаб қўйилса, анча вақтгача бузилмай туради.


«ЗИРОАТНОМА»дан.

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ

70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

"Konica U-VIX" нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил. Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади. Биз Сизнинг муаммоларингизни билемиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз. Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82. Телефон/факс: (3712) 44-55-12.




Шавкат РАҲМАТУЛЛАЕВ, филология фанлари доктори, профессор.

"ДИНА"

ҲУҚУҚИЙ КОМПАНИЯСИ — мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари мажмуаларини ишлаб чиқиш, корхоналарнинг муҳраларини тайёрлаш, банкда ҳисоб рақамини очиб билан бирга, тайёр ҳолда рўйхатдан ўтказиб бериш бўйича хизматларни кўрсатади.

Шартномаларни тузган миқозлар: — кичик бизнес корхоналари ишини ташкил этиш; — фуқаролар ва ташкилотларга меъёрий ҳужжатларни тақдим этган ҳолда, жорий қонунчилик бўйича юридик хизматлар кўрсатиш юзасидан «Бепул маслаҳатлар оладилар».

Алоқа учун телефонлар: 79-14-77, 79-14-78, 72-35-31. Манзилмиз: Тошкент, "Халқлар дўстлиги" кўчаси, 29-уй "Собир Раҳимов" метро бекати.



Ноширлик ПОЙТАХТ ТЕЛЕФОН КИТОБИ

• ТОШКЕНТ (муҳбиримиздан). «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Тошкент шаҳар телефон тармоғининг янги китобини босмадан чиқарди.

Китоб шаҳар телефон алоқаси ва радиолангитириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг буюртмасига биноан хусусий корхона — тиббий илмий ишлаб чиқариш маркази томонидан нашрга тайёрланди.


30 минг нусхада чиқарилган бу китобда 8,5 мингдан ортиқ телефон рақамлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Алишер РЎЗИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ "СУВЖИҲОЗГАЗ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ

сув ва газ учун турли моделдаги хўжалик ва саноат сўтчикларини тақлиф қилади.


Сифатли, арзон, чидамли, бежирим.



Сизларни кутамиз.

Тошкент, Воровский кўчаси, 26 "Чкалов" метро бекати.

Телефонлар: 96-53-71, 96-70-94. Факс: 96-14-20.



БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35. Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19. Ахборот — 33-21-43, 36-57-22. Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.

ВИЛОЯТ МУҲБИРАЛИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гувастонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Наманганда — 3-75-43; Навоийда — 6-43-43; Фарғонада — 6-51-35; Қўқандда — 7-58-83; Самарқандда — 3-22-90; Тошкентда — 33-54-55; Урағочда — 3-31-86; Ферғонада — 26-37-16; Қаршида — 3-25-79; Қўқандда — 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЙОН

Тахрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Исроил ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖҲРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шухрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Рўйхатдан ўттиш тартиби №00120. • Газета офсет усулида А-2 форматда босилади. • Ҳажми 2 босма табақ. • Г — 0382.



Манзилмиз: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.